Мономах калпоги аслида Бухоро дўпписи бўлган

Муаллиф:
05.01.2016 15:09 - Янгиланди 05.01.2016 15:11

Буюк Рус давлатчилигини таргиб килаётган миллатчиларига ёкмаса хам, Мономах калпоги аслида Ўрта осиёликларнинг бош кийими эканига янги хужжат-далиллар топилди. Бундан ташкари, Москва давлатчилигининг салтанат рамзи сифатида наслдан-наслга ўтувчи бу регалия Олтин Ўрданинг Буюк хони Ўзбекхоннинг Юрий Данилович ёки Иван Калитага (Москва князлари) тортик килган инъоми экани хакида янги маълумотлар хам чикди. Ўша вактлар Ўзбекхон Москвалик князларга хомийлик килар эди. Тадкикотчилар яна бир бор Мономах калпоги шарклик усталар тарафидан тайёрланганини исботлаб беришди.
Бу калпокка ном бўлган Мономах исми каердан олинган? Иван III даврида Москов давлатчилиги Ўрдадан Византия томон бурилганидан кейин калпокка хам "Москва - учинчи Рим" концепцияси доирасида янгича мазмун багишланди. Факат, 1518 йилда унинг келиб чикишига расмий талкин пайдо бўлди («Сказание о князьях Владимирских»). Гўёки бу византиялик император Константин IX Мономахнинг ўз невараси, Киев князи Владимир Всеволодович Мономахга берган совгаси эмиш. Яъни, Византия императорлари салтанатининг рус хукмдорларига мерос бўлиб ўтишининг рамзи эмиш. Хакикатда эса бу калпокнинг келиб чикиши жуда шубхалидир, чунки Константин 1055

йили вафот килганида Владимирнинг ёши иккида бўлган. Бобоси невараси борлигини билмаган бўлиши хамда неваранинг Киевда салтанат бошига келишини билиши мумкин эмас эди. Бундан ташкари, Византия хам йўк бўлиб кетиши кўзда тутилмаган эди. Санъатшунослик нуктаи назаридан хам олиб каралса, Византияда бу каби бош кийимлар урфда бўлмаган, яъни бундай калпоклар бўлмаган.
Шундай килиб, Рус подшохларининг тожи сифатида кўриладиган бу зар билан тикиб, безатилган дўппи 99 фоизга Олтин Ўрданинг буюк хони Ўзбекхоннинг ўзи хомийлик килаётган Иван I га берган инъоми бўлиб чикмокда. Сўнг, подшохликка айланган Москва хонлигида бу дўппи “Мономах калпоги”га айлантирилган. “Бухоронинг тилло зарларидан тайёрланган дўпписига Иван I Калита сувсар мўйнаси кўштириб, кимматбахо чакнок тошлар хамда тепасига Москва хокимияти рамзи хисобланган хочни хам ўрнатиб кўйишга буйрук беради. Шундай килиб, давлатчиликни акс эттирадиган жуда чиройли "тож" пайдо бўлади. Бу тож Буюк Москва князларига кийдирилган, сўнг бу анъана Москва подшохлигига хам ўтган. Шундай килиб, кўлбола тож Московия хокимиятининг асосий рамзига айланиб колган...
Айтмокчи, Олтин Ўрданинг хони ўзига карам ва тобе бўлган князга Ўрдага тахдид солиши мумкин бўлган православ эътикодидагиларни тобеликда ушлаб туриш учун берилган тортик, совга эди.
Бу тарихий вокеа хакикатан хам ажоийб ва рамзий бир маъно касб этади. Рамзийлиги шундаки, Москва князлари Ўрта Осиё дўпписини Москванинг хукмдорлик атрибутига айлантириб олгани каби давлатчилигини хам Олтин Ўрдадан мерос килиб олган бўлиб чикади (расман россияликлар Москва давлатчилиги кадимги Киев Русидан бошланади, десалар хам... бирок бу алохида мавзу).

Интернет маълумотлари асосида
Абу Муслим тайёрлади